


Сурхондарё вилояти ҳокимига янги ўринбосар тайинланди



У 1975 йил Термиз туманида туғилган. 2002 йил Термиз давлат университетининг бакалавр, 2011 йил магистр йўналишларини тугатган. Мутахассислиги бўйича ўқитувчи.

И. Сапаров меҳнат фаолияти давомида Термиз педагогика коллеки жисмоний тарбия ва биология фани ўқитувчиси, бўлим мудири, ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи, Термиз мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллеки ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, Термиз банк коллеки директори, Термиз шаҳар халқ таълими бўлими мудири вазифаларида ишлаган. 2017 йилдан Сурхондарё вилояти ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи, 2018-2021 йилларда Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи лавозимларида меҳнат қилган.

Мазкур лавозимга тайинлангунга қадар Сурхондарё вилояти маданият бошқармаси бошлиғи вазифасида фаолият юритаётган эди.